

Бор экан-да, йўк экан. оч экан-да, тўк экан, бир савдогар бор экан. У хар йили икки марта калъага бориб келар экан. Ўзи кўп катта савдогар экан, кирк савдогарга бош экан. Кунлардан бир кун савдогар: «Бу кун калъага жўнаймиз», деб бошка савдогарларга хабар килибди. Ўзи саксон туяга мол юклабди. Шу орада кирк савдогар хам тайёр бўлиб келибди. Кирк кеча-ю кирк кундуз йўл юрибди, йўл юрса хам мўл юрибди. Бир чўл-биёбонга етибди. Савдогарлар:

— Эй, карвонбоши, шу ерда бир дам олсак, туяларимиз ёзилиб ўтлаб-сувлаб олса, — дебдилар. Карвонбоши:

— Кўп яхши бўлади, — дебди. Улар юкларини тушириб, чўлга туяларини кўйиб юборишибди. Кўклам кунлари экан, чўл бахор ёмгири билан майсазорга айланган экан. Туялар булокдан сув ичибди. Савдогарлар ош-сув килиб, еб-ичиб ўзлари хам кўп кайф килишибди. Улар чувиллашиб, хангома килиб ўтиришган экан, кўзларига кўрим ердан бир лочик кўринибди. Тўрт-беш савдогар маслахат килиб:

— Бу ерда элат бор экан, бориб кўрайлик, булар қандай эл экан, билайлик, — дебдилар. Тўрт-беш савдогар лочикка бориб мехмон бўлибдилар. У ёқдан бу ёқдан гаплашиб ўтириб лочикнинг эгаси подачи эканини билишибди. Подачининг кизи билан кампири уйда экан. Кампир буларга ош-сув килибди. Сўнгра подачининг кизи келиб энасига:

— Эна, якта! — деб кетибди. Яна бир майдон ўтгандан кейини келиб: «Эна, дута!» деб кетибди. Тагин бир майдондан кейин келиб: «Эна, сета», дебди... Савдогар икки чойнак чой ичгунча: «Хафта», дебди. Савдогар:

— Эна, бу кизингиз нима деди? — деб сўрабди. Кампир:

— Эй, айланайин чирогларим, бизларнинг нимамизни сўрайсиз, бизлар бу чўлда чарх йигириб кун кўрамиз-да, кизим боятдан бери етти ийлик ип йигирдим, деб кетди, — дебди.

Карвонбоши кўнглида «бу киз икки чойнак чой ичгунча етти ийлик ип йигирди. Бунинг турмуши хазина экан», деб ўйлабди. Сўнгра кампирдан сўрабди.

— Эна, кизингизнинг боши бўшми?

— Айланайин, кизимнинг боши бўш, — дебди кампир. Савдогар, кизни берса хар қандай килиб олмок керак, кўшхонага бориб бунга бир совчи юборайин, деб ўйлаб кўйибди. Савдогарлар подачининг уйидан кўшхонага қайтиб келибди. Сўнгра карвонбоши савдогарлардан кўнгли тортганларни бир ерга тўплаб:

— Эй кариндошларим, менга бир маслахат беринглар, мен шу подачининг кизига совчи юборайин дейман, сизлар нима дейсизлар? — деб сўрабди. Улар:

— Бизларга маслахат солсангиз хозирча индамай тулинг, биз калъага бориб, бу молларни сотиб, бошка мол олиб, туяларга юклаб қайтиб келамиз, ундан кейин совчи кўйсангиз, кўйинг! — дебдилар. Бу маслахат карвонбошига маъкул тушиб:

— Туяларингни йигиб, юкларни ортинглар, жўнай-миз, — дебди.

Савдогарлар туяларни йигиб, юкларини ортиб карвонбошига «тайёр бўлдик», дейишибди. Кирк кеча-ю, кирк кундуз йўл юриб, йўл юрса хам мўл юриб, калъага етишибди. Карвонлар бозорга тушиб, молларини сотиб, бошка молларни олиб, туяларига юклаб, калъадан чикиб жўнашибди. Кирк кеча-ю, кирк кукдуз йўл юриб, йўл юрса хам мўл юриб яна калъага келишибди. Тўхтаган чўлга тушиб, туяларини ўтга кўйиб, ўзлари ош-сув килиб, еб-ичиб ўтира берибдилар, дидига ёккан савдогарларни чакириб:

— Энди бораман, — дебди.

Киркинбой совчиликнинг борди-келдисини гаплашиб, подачиникига борибди. Подачининг ўзи пода бокиб юрган экан. Уйда подачининг хотини билан кизи ўтирган экан. Дарров бир болани юбориб подачини айтдириб келибди. Подачи Киркин билан кўришиб, ўтирибди. Киркинбой:

— Бобо, биздан йўл сўранг: «Йўл бўлсин» денг, — дебди. Подачи:

— Ха, ўғлим, йўл бўлсин, хуш келибсиз, — дебди. Киркинбой:

— Йўл, йўл бўлса, ол бўлсин. Биз сизга совчиликка келдик. Карвонбоши сиз билан томир бўлмокни хавас килиб, мана бу кизингизни ўзига тенг кўрибди, — дебди.

— Ха болам, карвонбоши бизни ўзига тенг кўрган бўлса, биз ҳам жонимиз билан тенг кўрдик, — дебди.

— Бобо, тенг кўрган бўлсангиз энди, кизингизнинг калимини айтинг, — дебди.

— Болам, отингиз нима?

— Эй бобо, отим Киркинбой:

— Эй болам, отингиз Киркинбой бўлса, киркта кизил норни юки билан берсин, тўй-кўйини карвонбошининг ўзи билади, — дебди. Киркинбой:

— Мен бориб карвонбошига айтайин, — деб, — Карвон ака, подачининг кизини сизга битирдим, — дебди.

— Кандайга битирдинг? — дебди карвонбоши. Киркин айтибди:

— Кирк кизил нор, устида юки билан, тўйини, кўйини ўзи билади, деб юборди, — дебди. Карвонбоши:

— Бу туялардан киркини санаб, юки билан олиб бориб беринглар! — дебди

Карвонбоши тўйининг кўйини, мойини, гуручининг тўгрилаб, уларни ҳам савдогарлардан бериб юборибди. Сўнгра тўйни килиб карвонбоши подачининг кизини олиб жўнабди. Неча кеча, неча кундуз йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Карвон ўз юртига кайтиб келибди, савдогарларнинг хар кайсиси ўз ховлисига кирибди, жой-жойига қарор топибди. Карвонбоши ўзига қарашли кал-кўрини йигиб, подачининг кизига ўн кеча-кундуз тўй-томоша берибди. Карвонбоши подачининг кизи билан ўйнаб-кулиб юра берибди. Кунлардан бир кун карвонбоши: «Мен бу подачининг кизини кўп пул, мол бериб олдим. Чархини кўриб олдим. Бўлмаса менга бир дуруст одамнинг кизи ҳам тегар эди», деб ўйлабди. Бозордан ўттиз ботмон гўза сотиб олиб, ховлисига олиб келиб галлахонага босиб кўйибди ва хотинига айтибди:

— Эй хотин, мен энди туяларга мол юклаб қалъага кетаман, олти ойдан кейин кайтиб келаман, мен келгунча мана бу галлахонадаги гўзани йигириб, калава килиб, тагин галлахонага босиб кўясан, — деб карвонбоши навкарларини олиб, молларини юклаб жўнаб кета берибди.

Энди икки огиз сўзни савдогарнинг хотини — подачининг кизидан эшитинг:

Подачининг кизи савдогарни жўнатиб на гўза чувибди, на пахта савабди ва на чарх йигирибди. Ўйнаб юра берибди. Кундан кун, ойдан ой ўтибди, савдогарнинг келар вақтига бир ой, бир ярим ой колганда подачининг кизи: «Энди савдогарнинг келар вақти якин колди, хали бир чангал пахта чувиганим йўк», деб ўйлаб бир этак гўзани чувиб, чархини, дугини, булговичини айвонга чиқариб кўйиб бир қозон атала килибди. Бунинг одати бир нафас овқат емаса турулмас экан. Ўзи чарх йигирган вақтида бир одамга «огзимга овқат солиб ўтир» демакка уялиб, икки кўлим билан чарх йигириб, тилим билан ялаб ўтираман, деб атала килибди. Подачининг кизи, бу ерда турсин, икки огиз сўзни шу юртнинг шахзодасидан эшитинг.

Кунлардан бир кун шахзоданинг томогига суяк тикилиб қолибди. Подшоҳ табиб дебди,

таккан дебди, мулла дебди, дори-дармон: хеч биридан шифо топмабди. Энди болам ўладиган бўлди, деб боласидан умидини узиб кўйган экан. Карвонбошининг ховлиси подшоҳнинг аркига караган экан. Савдогарнинг хотини аталани эгининг икки томонига суртиб, айвонга чикиб ўтириб, бир кўлига булговични олиб, бир кўли билан чархнинг кулогидан ушлаб, «ха, даргазаб савдогар», деб эгининг бир томонидан бир ялаб «ха, даргазаб савдогар», деб иккинчи томонидан бир ялаб, чархни йигира берибди. Подшоҳнинг ўгли арқда ўтирган экан. У савдогар хотинининг чарх йигириб, килиб ўтирган килигини кўриб, шавки келиб, каттик кулиб юборибди. Шунда томогидаги тикилиб колган суяк бирдан отилиб чикиб кетибди.

Шахзоданинг кўзи очилиб, ўзига келибди. Подшоҳ буни кўриб кувониб, ўглидан:

— Болам, нимага кулдинг? — деб сўрабди. Шахзода:

— Аркнинг тўгрисида бир хотин чарх йигириб ўтирган экан, кўзим тушиб, кўнглимда бир кизиклик пайдо бўлиб, кулиб юбордим. Томогимдаги суяк бирдан чикиб кетди-ю. кўзим чараклаб очилди, — дебди. Подшоҳ бир ясовулини чакириб:

— Чарх йигириб ўтирган хотинни топиб келинглар, — дебди.

Ясовул суриштириб, савдогарнинг хотинини тепиб, подшоҳ олдига олиб борибди.

Подшоҳ савдогарнинг хотинига: — Тила тилагингни! — дебди. Савдогарнинг хотини:

— Нимани тилайман, — дебди. Подшоҳ:

— Кўнглимда нима бўлса, шуни тила, — дебди. Савдогарнинг хотини:

— Тиласам, таксир, менинг бир омбор гўзам бор, шуни йигиртиб калава килдириб берсангиз, тилагим шу, — дебди.

Подшоҳ дарров фукарони чакириб, хар бирига бир пуд, ярим пуд гўза улашиб, таркатиб:

— Шу гўзани олти кунда калава килиб олиб келинглар, — деб буйрук берибди.

Гўзани олиб кетганлар кунни кун демай, тунни тун демай йигириб, ип килиб, олиб келиб берибдилар. Подшоҳнинг хизматкорлари ўттиз ботмон гўзани калава ип килиб савдогарнинг омборига тахлаб кўйибдилар. Шундан икки-уч кун кейин савдогар келиб қолибди. Туяларини бойлаб, калъадан олиб келган молларни кўяй деб, омборни очиб караса, ўттиз ботмон гўзанинг пахтаси калава ип бўлиб, босилиб турган эмиш. Савдогар хотинидан димоги чоғ бўлиб, олиб келган нарсаларини омборга кўйиб, кулфлаб, ичкарига кириб, хотини билан кўришиб-сўрашиб:

— Хуржунда гўшт бор, олиб бир ўхшатиб кулчатой кил, — дебди.

Хотини гўштни олиб, бир чойнак чойни дамлаб савдогарнинг олдига кўйибди. Супрани ёзиб, унни элаб, хамир килиб, зувала килиб, тахта-ўклоги билан ёйиб ўтирган экан, бир кора кўнгиз ўрмалаб супрага чикиб кела берибди. Савдогарнинг хотини ўрнидан туриб, халиги кора кўнгизга уч марта таъзим килиб, уч марта салом берибди. Савдогар буни кўриб хайрон бўлиб:

— Бу нима килган ишинг? — деб сўрабди. Хотин:

— Эй карвонбоши, бунинг нимасини сўрайсан, бу менинг ёлгизгина холам бўлади, — дебди. Сўнгра савдогар:

— Бу сенинг холанг бўлса, нимага бундай кора, — дебди. Хотин:

— Айланайин карвонбошижон, менинг кай бир дардимни сўрайсиз, шу ёлгиз холам чархни йигира-йигира кора кўнгиз бўлиб, ўрмалаб юрибди, — деб кўзига ёш олибди. Карвон ўйлаб туриб:

— Чархнинг фойдаси шу бўлса, агар сен чарх йигирсанг сенга уч талок, — дебди. Шу билан подачининг кизи чархдан кутулиб, савдогар билан эри хотин бўлиб, уй-жой килиб мурод-максадига етибди.

